



## ЛОГИСТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

**Ирисбекова Мавлуда Наринбаевна,**  
*Тошкент Давлат Транспорт Университети,*  
*m.Irisbekova@mail.ru*

**Аннотация:** Ушбу мақолада транспорт логистик хизматларни кўрсатувчи корхоналарни такомиллаштириш, тузилманинг янги самарали моделини ташкил этиш ҳамда соф дисконтланган даромадни аниқлаш усуллари ёритилган.

**Аннотация:** В данной статье описаны методы совершенствования предприятий транспортно-логистической службы, создание новой эффективной модели структуры, определение чистой дисконтированной прибыли.

**Annotation:** This article describes methods for improving the enterprises of the transport and logistics service, creating a new effective model of the structure, and determining the net present value.

**Калит сўзлар:** Транспорт логистик хизматлар, андозаларини таҳлил этиш, институционал моделлар, ташиш технологиялари, иқтисодий самара, дисконтланган даромад.

**Ключевые слова:** Транспортные логистические услуги, анализ стандартов, инстинктивные модели, технологии перевозок, экономический эффект, дисконтированный доход.

**Keywords:** Transport logistics services, analysis of standards, instinctive models, transportation technologies, economic effect, discounted income.

Транспорт логистик хизматлар кўрсатиш фаолиятининг барча босқичларида уни самарали бошқариш тамойилларини амалиётга қўллаш бошқарувнинг янги шаклларини жорий этишни тақозо этади. Бозор шарт-шароитларига мослашган, талабни ўрганиш ва хизматларни ўтказиш масалаларини ўрганиш вазибаларини амалга оширувчи тузилмаларини ташкил қилиш ва фаолиятини юритиш шу йўналишдаги ишлар доирасига киради.

Маркетинг фаолияти учун масъул бўлган тузилмаларнинг маълум ва машхур андозаларини таҳлил этиш орқали транспорт хизматлари бозорида самарали фаолиятни таъминлаши мумкин бўлган тузилма моделини таклиф этиш мазкур тадқиқотлар мақсади ва вазибаларидан келиб чиқади. Чунки, транспорт логистик хизматлари кўрсатувчи субъектларни ташкил этиш бўйича илмий-услубий ёндашув ва тамойилларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ушбу фикрни асослайди. Шунинг учун қуйида транспорт логистик хизматларини кўрсатувчи корхонанинг ташкилий-функционал тузилмаси таклиф этилмоқда.



Транспорт логистик хизматларини кўрсатувчи корхоналарни такомиллаштириш, энг аввало, ходимлар малака салоҳиятини ошириш ва тузилманинг янги моделини оқилона ташкил этишни тақозо этади.

Амалиётда қўллаш мумкин бўлган классик, неоклассик ва институционал моделлар моҳияти ўрганиб чиқилиб, тизимли модел транспорт логистик хизматларни кўрсатувчи корхонани ташкил этишда энг мақбул модел эканлигини қайд этиш мумкин. [1].

Тизимли модел тузилмани ўзаро боғлиқ қисмлар ва ўзгарувчилардан иборат тизим сифатида тасаввур қилади, ҳамда унинг тузилма сифатида нисбатан йирик ҳисобланадиган тизимга киришини эътироф этади. [2].

Кучли рақобат шароитида автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш сифати корхонанинг ташқи муҳит ва ички омиллар таъсири остида транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажмини бозордаги талаб даражасида қондира олиши ва унинг натижасида иқтисодий самарага эришини англатади. Ташиш ҳажми эса бевосита автокорхонанинг техник-эксплуатацион кўрсаткичларига боғлиқдир.

Ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши корхонага оид ички омилларга бевосита боғлиқ бўлиб, асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ходимлар ва бошқарув тизими, моддий-техника таъминоти, сервис хизмати, транспорт воситалари парки таркиби, тадбиркорлик қобилияти, ташиш технологиялари, мижозлар билан ўзаро алоқа ва ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш даражасига боғлиқдир.

Бенчмаркинг усулига асосан ҳисоб-китобларимиз содда ва тушунарли бўлиши учун бевосита ташиш ҳажмига боғлиқ бўлган техник-эксплуатацион кўрсаткичлар гуруҳини танлаб оламиз.

Маълумки, авто парклар учун ташиш ҳажми:

$$Q = \frac{T_n \cdot V_{\text{э}} \cdot \beta \cdot q \cdot \gamma_c \cdot A_c \cdot \alpha_b \cdot D_k}{l_{\text{й}}} \quad (1)$$

1-формуладан кўриниб турибдики, ташиш ҳажми билан функционал боғланган техник-эксплуатацион кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

$Q$  – йиллик ташиш ҳажми, тн,  $T_n$  – автомобилларни ўртача кунлик иш вақти, соат;  $V_{\text{э}}$  – ўртача эксплуатацион тезлик, км/соат;  $\beta$  – ўртача масофадан фойдаланиш коэффициенти;  $q$  – автомобилларнинг ўртача юк сифими;

$\gamma_c$  – ўртача юк сифимидан фойдаланиш коэффициенти;  $A_c$  – ўртача рўйхатдаги автомобиллар сони;  $\alpha_b$  – ўртача паркдан фойдаланиш коэффициенти;

$D_k$  – календар кунлар сони;  $l_{\text{й}}$  – ўртача ташиш масофаси, км; [3].

Автокорхонанинг техник-эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш орқали ташиш ҳажмини оширишга эришиш ҳамма вақт ҳам автопаркнинг ҳажмига боғлиқ эмас. Шунингдек, календарь кунларнинг ҳамма учун бирдай эканлигидан масалани соддалаштириш мақсадида  $A_c$  ва  $D_k$  лар кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмайди.





Эксплуатация шароитлари бир-бирига яқин бўлган автокорхоналар мисолида ички омиллар, яъни бевосита автотранспорт корхоналарига боғлиқ бўлган техник-эксплуатацион кўрсаткичлар гуруҳни шакллантирилади.

Олинган натижага кўра ташиш ҳажмини ошиши ҳисобига иқтисодий самарани ҳисоблаш мумкин. Бу ерда йиллик иқтисодий самара ҳар бир кўшимча ташилган йўловчига тўғри келувчи доимий харажатларнинг иқтисод қилиниши ҳисобига олинади ва у қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$Is = Q' * (Sd - Sd'); \text{ минг сўм} \quad (2)$$

Транспорт хизматлари бозорида фаолият юритувчи субъектларнинг маркетингни бошқариш тизими самарадорлигини баҳолашда тижорат самарадорлигини аниқлашнинг аксарият назарийетчилар томонидан қабул қилинган моделларига бир оз ўзгартириш киритиш орқали такомиллаштирилган ва мослаштирилган усуллардан фойдаланиш мумкин.[3].

Самарадорлик сарфланган капиталнинг наф келтириш орқали қопланишини инобатга олар эканмиз, бунда «пулнинг вақтинчалик қиймати» назариясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Маркетинг фаолиятига сарфланувчи харажатлар миқдорини бошланғич давр қийматларига келтириш бу усулнинг асосини ташкил қилади.

Харажат ва натижаларни бошланғич даврга нисбатан келтириш уларнинг жорий қийматини дисконтлаш коэффицентига кўпайтириш орқали амалга оширилади. Мазкур коэффицент қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:[5].

$$\alpha_t = \frac{1}{(1+E)^t}, \quad (4)$$

бу  $\alpha_t$  - дисконтлаш коэффиценти;

нда:

$t$  - ҳисоб-китоб қадамнинг рақами ( $t=0,1,2,\dots, T$ );

$E$  - дисконт меъёри.

Транспорт логистик хизматлари кўрсатувчи корхонанинг такомиллаштирилган маркетинг тизимига сарфланган харажатлари эвазига олиши мумкин бўлган даромадини дисконтлаш коэффицентини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб, соф дисконтланган даромад сифатида аниқлаш мантиқий натижани олишга ёрдам беради. Дисконтлаш меъёри ўзгармас бўлган ҳолларда соф дисконтланган даромад қуйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1+E)^t} = \sum_{t=0}^T \frac{C_t}{(1+E)^t} \quad (5)$$

бу  $H$  - ҳисоб-китобнинг  $t$ -нчи қадамида эришиладиган

нда:  $t$  натижалар;

$X$  - ҳисоб-китобнинг  $t$ -нчи қадамида амалга оширилувчи



- $t$  харажатлар миқдори;  
 $C$  -  $t$ -нчи қадамда эришилувчи самара;  
 $t$   
 $T$  - ҳисоб-китоб кўлами.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, СДД миқдори қанчалик катта бўлса, транспорт хизматлари кўрсатувчи корхонанинг маркетинг фаолияти самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. СДД < 0 бўлганда, маркетинг бўйича тадбирлар самарасиз ҳисобланади.[6]

Албатта, транспорт хизматлари кўрсатувчи корхонанинг маркетинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларини бошлашдан олдин, ундан кутилаётган даромад дисконтланмаган ҳолда ҳам берилади, чунки бу ҳолатда мўлжалланувчи маркетинг тадбирларининг самараси дастлабки баҳоланиш жараёнида бўлади. Дисконтланмаган даромад миқдорини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$CD = \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \quad (6)$$

Маркетинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш жараёнида соф даромад доимо дисконтланган соф даромадга нисбатан катта бўлади.

Маркетинг бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирларнинг шарофати билан пул оқимларининг йиллар бўйича кўпайиши қуйидаги ифода ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$PO_t = D_t^T + D_t^{bx} + T_t + A_t + K_t \quad (7)$$

- бу  
нда:  $D_t^T, D_t^{bx}$  - ТХККнинг маркетинг бўйича тадбирларни амалга ошириш натижасида  $t$ -нчи йилда мос равишда ташишдан ва бошқа турдаги хизматлардан қўшимча олувчи даромади прогнози;  
 $T_t$  - ТХККнинг маркетинг билан боғлиқ фаолиятида  $t$ -нчи йилда ишлатилган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг таркибдан чиқарилиш қиймати, ёки уларнинг қолдиқ қиймати;  
 $A_t$  - маркетинг фаолияти билан боғлиқ асосий воситаларнинг амортизацияси;  
 $K_t$  -  $t$ -нчи йилда маркетинг фаолиятини ривожлантириш учун олиниши мўлжалланган банк кредити миқдори.





$D_t^T, D_t^{bx}$  даромадларининг ўсиши транспорт хизмати кўрсатувчи субъектнинг ташиш ва бошқа турдаги хизматлари ҳажмининг ошиши прогнозига асосан қабул қилинади.

Агар соф дисконтланган даромад энг катта қийматга эга бўлса, маркетинг бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг самарадорлиги ижобий ҳисобланади. Тизимдаги катта қийматлар бўйича кўрсаткичларни таққослаш мураккаб муаммоларни аниқ лаш ва ўз вақтида оптимал ечим қабул қилиш имконини беради.

Муаммони мажмуавий ечиш ўзаро боғланган фанлараро ёндашув талаб қилиб, тижорат самарадорлига, ишончилилик ва ҳавфсизликнинг юқори даражалари таъминланганда, автомобиль транспортининг ўз функцияларини бажаришга имкон берадиган қарорлар асосида унинг фаолияти самарадорлигини оширишни назарда тутати. Кучли рақобат шароитида автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш сифати корхонанинг ташқи муҳит ва ички омиллар таъсири остида транспорт логистик хизматлари кўрсатиш ҳажмини бозордаги талаб даражасида қондира олиши ва унинг натижасида иқтисодий самарага эришишини англатади. Ташиш ҳажми эса, бевосита автокорхонанинг техник-эксплуатацион кўрсаткичларига боғлиқдир.

Ушбу кўрсаткичларнинг ўзгариши корхонага оид ички омилларга бевосита боғлиқ бўлиб, асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ходимлар ва бошқарув тизими, моддий-техника таъминоти, сервис хизмати, транспорт воситалари парки таркиби, тадбиркорлик қобилияти, ташиш технологиялари, мижозлар билан ўзаро алоқа ва ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш даражасига боғлиқлиги билан ифодаланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Irisbekova M.N. Methodology of organization and quality assessment of transport and logistics services market. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020

2. Барамидзе М., Леквеишвили Г. Гогиашвили П. Методы оценки эффективности функционирования транспортных компаний с использованием принципов логистики. Государственный Университет Акаки Церетели, Кутаиси, 2016.

3. Аксёнова З.И. Анализ производственно-хозяйственной деятельности автотранспортных предприятий : учебник для вузов / - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Высш. школа, 1980. - 287 с.

4. Варламова Д. В. Повышение качества транспортно-логистических услуг с учетом процессного подхода // Известия СПбГАУ. 2018. №4 (53).

5. Базылева В.С., Яцко В.А. Проблемы оценки чистого дисконтированного дохода. Новосибирский государственный технический университет. 2015



6. Терёшина В.В., Савченкова Е.В. Чистый дисконтированный доход как критерий для оценки эффективности инвестиций. Экономика и право. 2011

7. S Utkirov, E Abdusamatov, B Raxmanov (2023). ORGANIZATION OF TRAFFIC AT UNCONTROLLED INTERSECTIONS. Евразийский журнал академических исследований 3 (2 Part 2) 57-65.

8. TNH Abdurazakova D.A, Abdusamatov E.X. (2023). REDUCING VEHICLE EXHAUST GASES BY COMPUTER SIMULATION OF THE ROAD INTERSECTION. European Chemical Bulletin 12 (4) 8615-8623. DOI:10.48047/ecb/2023.12.si4.769

9. SX Shermatov, UI Isoxanov, USS o'g'li (2023). METHODOLOGICAL RECOMMENDATIONS FOR DETERMINING VEHICLE SPEED. European Chemical Bulluten 12 (4) 8624-8631. DOI:10.48047/ecb/2023.12.si4.770

10. SX Shermatov, SSO Utkirov, EXOGL Abdusamatov (2023). TRANSPOR SOHASIDA YUZAGA KELGAN MUAMOLARNING EKOLOGIYAGA TASIRI (avtomobil transporti). Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 3 (2) 702-709.